



Оила — муқаддас даргоҳ

(Давом. Бош 1-бетда)

Яна бир муҳим гап. Бизни қишлоқ шароитида аёлларнинг гигиена меъёрларига қай даражада амал қилиши қизиқтирди. Маълум бўлишича, Навоий вилоятидаги ўрганилган оилаларнинг 59,7 фоизи ювенил учун нормал шароитга эга. Лекин деярли 25 фоиз оилаларда умуман бундай шароит мавжуд эмас. Бу далил кишини хушёр торттиради. Агар бу оилаларда ҳам қаришлар, ҳам болалар, ҳам аёлларнинг борлигини инобатга оласа, муаммонинг қанчалик муҳимлиги ойдинлашади.

— Конституциямизнинг 63-моддасида келтирилганидек, — дея ўз фикрини билдирди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Зухра Ботирова. — "Оила жамиятнинг асосий бўлинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга". Ҳозирги замонда баркамол авлодни тарбиялаш учун аёлнинг маданий-маърифий савияси юқори даражада бўлиши талаб этилади. Ишончада эркаклар билан бир қаторда меҳнат қилаётган аёллар йилга пайта оилада она ҳамдир. Унинг зиммасига юлганган ҳар иккала вазифани талаб даражада олиб бориши учун етарли шароит бўлиши шарт. Турли, аёлларимиз учун қонунан деярли барча шароитлар яратилган. Меҳнат ҳамда Оила кодексларида аёллар учун бир қанча енгилликлар қафолатланган. Бундан ташқари, уларни янги иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида давлатимиз томонидан қатор сазй-ҳаракатлар қилинди. Бироқ қишлоқ аҳолисининг, айниқса аёлларнинг иш билан бандлигини таъминлаш масалаларида ҳали ечимини кузатган муаммолар бор.

Юлдуз САИДОВА,
Республика "Оила" илмий-амалий маркази бўлим мудир:

— Ҳар бир жамиятда бўлганидек, алоҳида ёрдамга муҳтож болалар бизда ҳам мавжуд. Алоҳида ёрдамга муҳтож болалар деганда факатгина ногирон болаларни тушуниш нотўғри. Оиласи нотинч, кам таъминланган, меҳнатга лаёқатсиз инсонлар фарзандлари ҳам алоҳида ёрдамга муҳтождир. Самарқанд вилоятининг Ургут,



Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманларида бўлиб, социологик тадқиқотлар ўтказди. Ҳар иккала туманда ҳам ногирон фарзанд туғилишининг асосий сабаби яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ, шунингдек шифокорларнинг малакасизлиги деб топилди.

Ногирон болаларнинг бошқа тенгқўрлар каби таълим олиш ҳуқуқи бўлса-да, улар билан ишлаш оладиган мутахассислар, ихтисослашган мактабларнинг йўқлиги туфайли улар бу имкониятдан фойдалана олишмаяпти. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, биз муаммоларни ҳал қилишда факатгина Давлат дастурини кутмасдан, масъул идораларнинг мавжуд қонунчилик асосида фаолият юритишини таъминласак, нур устига аъло нур бўлар эди.

Дилбархон ЁҚУБОВА,
Адлия вазирлиги мутахассиси:

— Оила кодексининг 43-моддасига асосан икки ҳолатда — никоҳ қўраётган аёлларнинг ҳомиладор эканлиги аниқланса, ариза берувчилар узоқ хизмат сафарига кетаётган бўлишса, никоҳдан ўтказиш тезлаш-

тирилиши мумкин. Бироқ жойларда бунга амал қилинмасдан, тиббий қўриқсиз никоҳ қайд этилмоқда. Шу сабабдан Вазирлар Маҳкамасининг ёшларни никоҳ қўришдан олдин мажбурий тиббий қўриқдан ўтказиш тўғрисидаги қарорига истисно ҳолатлар ҳам киритилса, аини мудоао бўларди. Аниқроғи, бу қарор биринчи бор никоҳдан ўтаётган фуқароларга ёки маълум ёшга, масалан 40 ёшгача бўлган фуқароларга нисбатан қўлланилса яхши бўларди.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар ҳозирги кунда нафақат аёллар, балогат ёшига етган қизлар, балки ўғил болалар тарбиясига ҳам катта эътибор қаратиш, бунинг учун оила-мактаб-маҳалла ҳамкорлигини янада ривожлантириш лозимлигига алоҳида урғу бериб ўтишди.

Қизгин баҳс-мунозараларга бой бўлган давра суҳбати якунида иштирокчилар ушбу мавзуга яна қайтиш, кўтарилган муаммоларнинг ечимини таҳлил этиш, ҳар бир йўналишда урғуларни ташкил этишни режалаштиришди.

Саодат ЖАББОРОВА,
"Адолат" мухбири

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

Манфаатларимиз ҳимоячиси

Истиқлол йилларида мамлакатимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ролини янада ошириш, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштирокини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Аёлнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамиятда тенг ҳуқуқлилик асосида фаолият юритишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган.

Айни кунларда мамлакатимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил қилинган ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш ойлари давом этмоқда. Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Фарида АҚБАРОВА ўз амурига мазкур жараёнда амалга оширилаётган ишлар хусусида қўйилганларни сўзлаб берди.

— Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизлар маъқени янада ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда, — дейди Ф.Ақбарова. — Бугунги кунда аёлларимиз уй бекаси ва фарзанд тарбиячиси, тadbirkor, сиёсатчи, раҳбар, бир сўз билан айтганда, жамиятнинг фаол иштирокчиси сифатида ўзини кенг намоён қилаётми.

Мамлакатимиз аҳолисининг эллик фоиздан кўпрогини хотин-қизлар ташкил этади. Демак, қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар - қонунлар, қарор ва фармонларнинг барчаси хотин-қизларнинг ҳам манфаатини ҳимоя қилиши ва зиммасига мажбуриятлар юклаши табиий. Бироқ, кўпроқ уй-руғзор ишлари, фарзанд тарбияси билан машғул бўладиган хотин-қизлар уларнинг ҳаммасини тўла билишлари қийин.

Ҳақ-ҳуқуқимизни ҳимоя қиладиган асосий қонуимиз — Конституцияни чуқур билиш ҳар бир фуқароннинг бурчидир. Президент Ислам Каримовнинг 2001 йил 4 январда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши ана шу мақсадга қаратилган. Мазкур ҳужжатда те-

гишли вазирлик, идора, муассаса, давлат ва жамоат ташкилотлари зиммасига Конституцияни ўрганиш дастури асосида ўқув-услубий, илмий-оммабоп воситалар ёрдамида ва мутахассисларни кенг жалб этган ҳолда фуқаролар ўртасида Асосий қонунимизнинг мазмун-моҳияти, ўрни ва аҳамиятини тушунириш ишларини қучайтириш вазифаси юклатилган.

Ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш ойларида кўзланган асосий мақсад ҳам хотин-қизларнинг жамият ҳаётида туганган ўрнини янада мустаҳкамлаш, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўлмалли ислохотлар ва демократик жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдан иборат. Бу жараёнда давлат ва жамоат ташкилотлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия, Ички ишлар, Мудофعا ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Бош прокуратура, Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати мутахассислари билан яқиндан ҳамкорликда ташкил этилаётган давра суҳбатлари, кўрик-танлов, семинар ва учрашувларда Конституциямизнинг моҳияти, уни чуқур ўрганиш, амалиётда ундан фойдаланишни кенг тарғиб-таъвиқ қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда маҳалла том маънода фуқароларнинг таянчига айланиб бормоқда. Бунинг "Ижтимоий фикр" жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўровномалар натижаларидан ҳам билса бўлади. Жумладан, 72,8 фоиз хотин-қизларнинг муаммоларига ечим топшида маҳалланинг кўмак қўрастишини тасдиқлаган. Бу хотин-қизларнинг маҳаллага бўлган ишончи ортаёқлиги, маҳалланинг эса фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган муассасага айланиб бораётганидан далолатдир. Маҳаллаларда хотин-қизларга барча жабҳада йўл-йўриқ кўрсатиб, маслаҳат берадиган, керак бўлса, ҳуқуқий ҳимоя қиладиган касб эгалари бор. Булар жой-

ларда фаолият кўрсатаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилардир. Қўмита ана шундай маслаҳатчиларнинг малакасини оширишга, уларнинг ҳуқуқий-сиёсий саводхонлигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Республикаимизнинг ҳар бир маҳалласида фаолият кўрсатаётган ўн мингдан зиёд хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари ҳам аёлларимизга ҳар томонлама маслаҳатчи, қўллаб-қувватловчи вазифасини адо этмоқда.

Бош қўмитамизда ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги қафолатланган. Хотин-қизлар ўртасида тadbirkorликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда. "Микрокредит-банк" билан ҳамкорликда ҳар бир ҳудудда тadbirkorлик фаолияти билан шуғулланишни ният қилган хотин-қизларга микрокредит ажратишдаги имтиёзлар ҳақида маълумотлар берилиб, кредит олишда йўл-йўриқ кўрсатилди. Натижада ярим йил ичида аёлларга берилган микрокредитлар миқдори аввалгисидан икки баравардан ошди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — ҳар бир фуқароннинг манфаати ва ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қиладиган, уларни ҳаракатлаштириш, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишга чорлайди. Қўмита томонидан ана шу таъминнинг мазмун-моҳиятини, аҳамиятини тушуниришга қаратилган тадбирлар мунтазам ташкил этилмоқда.

Ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш ойлари доирасида юртимизнинг барча ҳудудларида хотин-қизлар қизилотлари, қорхоналар, таълим муассасалари, маҳаллаларда тегишли соҳа вакиллари иштирокида ташкил этилаётган "Сиз Конституциямизни биласизми?", "Конституциямиз - бахтимиз пойдевори", "Конституция сабоқлари", "Аёл ва ҳуқуқ" каби мавзулардаги кўрик-танловлар, учрашувлар, давра суҳбатлари, баҳс-мунозаралар ва семинарлар ўтказилмоқда.

Ў.А. мухбири
Жасур КЕНГБЕКОВ ёзиб олди.

2006 йил — Ҳомийлар

ва шифокорлар йили

Оролбўйи аҳолиси учун

Қорақалпоғистон Республикасига на-вбатдаги, йил бошидан буён учинчи саломатлик поезди жўнаб кетди. У "Экосан" экология ва саломатлик халқаро ташкилоти томонидан Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда шакллантирилди.

Поезд ижтимоий объектлар ва кам таъминланган оилаларга умумий қиймати 45 миллион сўмга тенг хайрия юкани етказди. Юк таркибига халқ истеъмоли моллари, санитария ва гигиена воситалари киритилган.

Хайрия ёрдамининг бир қисми Мўйноқ туманидаги У-қой қишлоғи болалари учун мўлжалланган. Уларга қишки иссиқ кийим, пойабзал, спорт курткалари топширилди. Бу экологик ноҳус ҳудудда жойлашган қишлоқ аҳолига ёрдам бериш бўйича биринчи тadbirkor эмас. "Экосан" қатор ва-зирлик ва йирик компаниялар билан бир-галикда уларни сув билан таъминлашни яхшилаш ва бунинг учун тегишли комму-никацияларни барпо этиш бўйича пой-и-хда иштирок этишди.

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дас-турининг ижроси доирасида экологик но-хус ҳудудларга жами 19 та саломатлик поезди жўнатилди. Ушбу поездлардаги хай-рия ёрдамини шакллантириш учун Эколо-гия ва саломатлик кўнлари доирасида ўт-казилган умумреспублика экологик ҳашарла-ридан тушган маблаглар ишлатилди.

А. ИВАНОВА,
Ў.А. мухбири

Қишлоқ хўжалиги

Кузги шудгор — юқори ҳосил гарови

Уйчи тумани деҳқон-миришкорлари куз-ги шудгор мавсумини тез ва сифатли якун-ладилар.

— Тумандаги 6928 гектар шудгорла-ниши лозим бўлган экин майдонларига 33 та айдоғ техникалари жалб этилди, — дейди туман ҳокими М. Валиев. — Ай-ниқса, туман машина-трактор паркин-гид 7 та "Магнум" техникалари юқори унум билан ишлади. Одиолжон Расулов, Шавкат Маматусмонов, Равшан Каримов каби ма-гнумчилар бир кеча-кундузда 15-16 гек-тар экин майдонини сифатли шудгорла-б, пешқадам бўлишди. Бундан ташка-ри, 6 та муқобил машина-трактор парк-и, 2 та айдоғ, қолаверса фермерлар-даги мавжуд хайдоғ техникаларидан са-марали фойдаланилди.

Иш унумининг самарадорлигини таъ-минлашда, аввало меҳнатга яраша рағбат бўлмоғи лозим. Ушбу мақсадда ҳайдоғда иштирок этган барча ишчи-ҳодимларга доимий иссиқ овқат ташкил этилди. Ил-

орларга эса мавсум сўнгиди қимматбаҳо совғалар — гилам ва телевизорлар билан тақдирланди. Ҳар гектарига 1000-1200 сўмдан ўз вақтида ҳақ тўлаб боришди. Бун-дан ташқари, қўндалик озик-овқат махсу-лотлари бепул тарқатилди. Техника воси-таларининг узлуқсиз ишлашини таъминлаш мақсадида эса эҳтиёт қисм, ёқилғи-мой-лаш материаллари ўз вақтида етказилиб, бу борада алоҳида таъмирлаш гуруҳи дои-мий фаолият кўрсатиб турди.

— Кузги шудгорни белгиланган муддат-да сифатли якунлаш юқори ҳосил гарови, — дейди туман машина-трактор парк-и ак-циядорлик жамияти раиси Тоҳиржон Ис-матуллаев. — Шунинг учун мавсум боши-да 8 та отряд тузилиб, 3 гуруҳга бўлиниб иш-юритдик. Бунда албатта фермер хўжали-лари хусусан "Абдурахмон ота Умрзоқов", "Сохибжон", "Шахноз" каби фермер хўжа-ликларининг ҳиссаси катта бўлди.

Давур ЖОЗИЛОВ,
"Адолат" мухбири

Ҳаёт ойнаси

Ўзбекистон жаҳон тиллари университети хал-қаро журналистика факультетида телевидение кашф қилинганга 50 йил тулиши муносабати билан илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

"Мустақиллик йилларида аудиовизуал жур-налистика тараққиёти тамойиллари" мавзуси-даги тadbirkor телевидениенинг узок ўтмишдан тортиб то ҳозирги кунга қадар босиб ўтган йули ҳақида сўз борди. Шунингдек, анжуманда қатнашган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари талабаларга ОАВга оид амалдаги қонунчилик ва ҳозирда Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари юза-сидан атрофлича маълумот беришди. Анжу-манда профессор Ҳамидулла Аҳбаровнинг қизи-қарли маърузаси йиғилганларда катта таассу-рот қолдирди.

Н. ЎРАЛОВА,
Ў.А. мухбири

Коллежнинг янги биноси

Тошкент вилоятининг шаҳар ва киш-лоқларида қад ростлаётган замонавий ўқув масканлари йил сайин кўпайиб бораётми. Айни пайтда вилоятда 80 та касб-хўнар коллежи ва академик лицей фаолият кўрсатмоқда.

Олмалик шаҳрида фойдаланишга топ-ширилган барча кўпайилмакларга эга тиб-биёт йўналишидаги касб-хўнар коллежи ҳам улар қаторига қўшилди. Уни бунёд этишда Охангарон шаҳридаги "Бинокор" қурилиш фирмаси жамоаси томонидан катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишла-ри бажарилди.

Айни пайтда мазкур ўқув даргоҳида ҳамширалик иши, даволаш, лаборато-

рия-диагностика ҳамда ортопедик-сто-матология йўналишлари бўйича 1200 нафардан зиёд ўқувчи сабоқ олаётми. Уларга 65 нафар малакали педагог таъ-лим-тарбия бермоқда. Коллежда син-фхоналар ва фан кабинетлари, кутуб-хона, мажлислар ва спорт заллари за-рур асбоб-ускуналар, керакли адабиёт-лар, ўқув жиҳозлари билан тўла таъ-минланган.

Ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақти-ни мазмунли ўтказиш мақсадида бу ерда қатор фан ва спорт тўғараклари фаолият кўрсатмоқда.

Лутфулла СУВОНОВ,
Ў.А. мухбири

Қарор ва ижро

Ҳам ҳимматли, ҳам ибратли иш

хофаза қилиш бўлими бошлиғи Фарҳод Бобобеков.

Биз ҳожилар билан суҳбатлашини кўнглига туғиб уларга учраганимизда: "Ун қўлинг билан берганини чап қўлинг билмасин, дейилган ҳадиси шарифда. Келинг, биз ҳақимизда ёзмани. Прези-дентимизга миннатдорчилик билдириш, у кишининг ҳаётини ва долзарб қарори ижросига ўз улушимизни қўиш мақса-дида қўл урдик, холос, бу ишга", дей-ишди улар.

Нақадар беминнат, саховатли кишила-римиз борлигидан, шундай бағрикенг ин-сонлар орасида яшаётганимиздан қалби-миз гурурга тўлиб, тўқилганиб кетдик. Уларга Оллоҳдан умрларига қўт-баракат, ўзларига соғлиқ-саломатлик тилаб орта қай-тдик ва улар рози бўлмаса-да ушбу муқта-саргина мақолани ёзиб, газета саҳифасида ёритишни лозим топдик.

Ислам ХУДОЙҚУЛОВ,
"Адолат" мухбири

Тахририятга хат келди

Ваъдалар қачон тугайди?

...2003 йил собик "Уйжой-жамғарма-банк" билан тузилган шартномага асосан бизга банк томонидан уй қуриб берил-ди. Бироқ, кимларнингдир аралашуви билан "Порлок коммунал" уй-жой мулк-дорлари ширкати чала қурилган уй-жой-ларни қабул қилиб олди. Ваҳоланки, 127-, 131-, 129-, 121-, 123-, 125-уйлар қурилга-нига бор-йўғи уч йил бўлганига қара-масдан иситиш тармоқлари яхши ишла-майди, подвездлардаги ёритиш ускуна-лари умуман талабга жавоб бермайди. Ҳаттоки, чиқиндиларни ташлайдиган жой ҳам йўқ.

Турли идораларга қилган мурожаатла-римиз туфайли уй-жой мулкдорлари шир-кати 2 дон контейнер олиб келиб қўйди. Ана шу контейнерларга 6 та қўпқаватли уй, "Сувос" трести, 25-поликлиника, 112-

АТС, туман ободонлаштириш бошқарма-си ва маҳалла ҳонадонлари чиқинди таш-лайди. Натижада ёнгарчилик пайти лой-кечиб юришга тўғри келяпти. Энг ачинар-лиси, пойтахтимизнинг қоқ марказида жой-лашган қўп қаватли уйлар ва маҳаллага кириш учун мўлжалланган йўл ва йўлак-лар умуман асфальт қилинмаган. Ушбу камчиликлар юзасидан шаҳар ва туман ҳокимлари ҳамда бошқа идораларга қайта-кайта мурожаат қилдик. Лекин мутасад-дилар ҳали-ҳаном қуруқ ваъда беришдан нарига ўтмаётгани.

Ҳурматли тахририят ҳодимлари, ушбу шикоятни газетангиз саҳифаларига чоп эт-сангиз. Зора, масъул мансабдорлар ўқиб, бизга амалий ёрдам беришса.

М. ВАХРИТДИНОВА,
Юнусобод тумани

Спорт



Хар тўрт йилда уюштирила-
ган мазкур нуфузли мусобақада
бу гал китамизнинг қирқ беш дав-
лати спортчилари қатнашди.
Спортнинг 39 тури бўйича ўткази-
ладиган беллашуларда ҳамюртла-
римиз 30 та тур бўйича ғолиблик
учун кураш олиб боришди. Қўша
олимпиадаси номини олган ушбу
мусобақада ўзбекистонлик спорт-
чилар кўл тўпи, баскетбол, шох-
мот, ушу, боулинг, трамполин, сув
полоси турлари бўйича илк маро-
таба иштирок этишмоқда.

— 2002 йили Пусан (Жанубий
Корея)да ўтган Осиё ўйинларида
вакилларимиз умумжамоа ҳисобида
15 та олтин, 12 та кумуш, 24 та
бронза медалини қўлга киришти-
ришда, шунингдек бешинчи ўринни
эгаллашганди, — дейди Маданият
ва спорт ишлари вазирлиги бошқар-
ма бошлиғи Лев Югай. — Яна икки йил-
дан сўнг, Пекинда ўтадиган ёзи
олимпиада олдидан Доха бахслари
муҳим аҳамият касб этади. Шу боис,
мамлакатимизнинг энг етакчи спорт-
чиларини терма жамоаларга жалб
этангиз. Ишонганки, XV Осиё
ўйинларида спортчиларимиз бор ма-
хоратларини ишга солиб, юкори
кўрсаткичларни қайтатишди.

Осиё ўйинларида илк бор энг
кўп, аниқроғи, 245 нафар ўзбеки-
стонлик спортчи қатнашмоқда. Мута-
хассислар деярли барча спорт тур-
лари бўйича вакилларимизнинг ғолиб

ва совриндорлар қаторидан жой оли-
шига ишонч билдиришаптир. Жумла-
дан, бокс, юнон-рум ва эркин кураш,
шохмот, футбол, кўл тўпи, баскетбол,
стол тенниси, енгил атлетика, теннис
бўйича энг умидли вакилларимиз
Дохага жўнаб кетишди.

— Бу галли Осиё ўйинларида мам-
лакатимизнинг фақат биринчи ра-
камли "чарм кўлқоп" усталари ринг-
га чиқишди, — дейди бокс бўйича
Ўзбекистон терма жамоаси бош му-
раббийи Шароф Худойбердиев. —
Мусобақада Рафиқон Султонов (48
кг), Орузбек Шоимов (54 кг), Баҳо-
дир Султонов (57 кг), Бехзод Хиди-
ров (60 кг), Дилшод Махмудов (64
кг), Бехзод Юнусов (69 кг), Элшод
Расуллов (75 кг), Ўткирбек Ҳайдаров
(81), Жасур Матчонов (91 кг) ҳамда
Рустам Саидов (+91 кг) ларнинг
кўртимиз шарафини муносиб ҳимоя
қилишига ишонамиз.

28 ноябрь куни футбол бахсла-
рига старт берилди. Мусобақа-
нинг "А" гуруҳида қатнашаётган
Ўзбекистон терма жамоаси илк уч-
рашувни Бирлашган Араб Амир-
ликлари футболчиларига қарши
ўтказди. Унда чиroyли ва ҳужум-
кор ўйин намойиш этган ҳамюрт-
ларимиз рақиблари устидан 2:1
ҳисобида устун келди. Ушбу учра-
шувда ҳужумчимиз Александр Гейн-
рих ўз "дубл"ини нишонлади. Гу-
руҳдаги иккинчи ўйинда Катар фут-
болчилари Иордания вакилларини



йирик ҳисобда енгди — 3:0. Терма
жамоамиз гуруҳдаги навбатдаги уч-
рашувни эртага мусобақа мезбон-
ларига қарши ўтказди.

Эрақлар ўртасида баскетбол
бўйича Осиё ўйинларида илк маро-
таба қатнашаётган ҳамюртларимиз
ҳам саралаш бахсларини муваффа-
қиятли якунлади. Баскетболчилари-
миз дастлабки босқичда Мўғулис-
тон (102:66) ва Фаластин (78:60)

терма жамоаларини енгиб, асосий
гуруҳ ўйинларига йўлланмани қўлга
киришти. Энди вакилларимиз чорак
финалга чиқиш учун "В" гуруҳида
Хитой, Ливан, Япония, Қозғистон,
БАА спортчилари билан кураш олиб
боришади.

XV Осиё ўйинларининг барча
ғолиб ва совриндорлари номи 15
декабрь куни маълум бўлади.

А.ТУРДНЕВА

Футбол-тест

Ким? Қачон? Қерда?

1. Португалия олий лигасида не-
ча жамоа қатнашди?

- A) 16 та
B) 14 та
C) 18 та
D) 20 та

2. Ўзбек футбол юдузи Миржа-
лол Қосимов айна пайтда нима би-
лан машғул?

- A) "Мажал" жамоаси мураб-
бийи.
B) "Пахтакор"да ўйнавчи мураббий.
C) Ўзбекистон Олимпия терма жа-
моасида ёрдамчи мураббий.

Д) Футболдан ташқарида.
3. "Манчестр Юнайтед"нинг 20
йиллик бош мураббийи...

- A) Жозе Мауриньо
B) Хуанде Рамос
C) Карло Анчелотти
D) Сэр Алекс Фергуссон

4. Осиё Футбол Федерацияси пре-
зиденти ким?

- A) Дато Питер Веланпан
B) Пол Мони Самуэль
C) Мухаммад Бин Хаммам
D) ОФК президенти лавозими

ҳозирда буш.

Ўзбекистон
Марказий Осиё
юраги

Пойтахтдаги тасвирий санъат га-
лереясида "Ўзбекистон Марказий Осиё
юраги" деб номланган фото кўргазма
оchild.

Ушбу кўргазма Ўзбекистон Конс-
титудияси қабул қилинганлигининг
14-йиллиги муносабати билан ташкил
этилди. Кўргазма Ўзбекистон савдо
саноат палатаси, БМТ Тараққиёт дасту-
ри ҳамкорлигида ташкил этилди.
Кўргазмадан ўрин олган суратлар
Ўзбекистонда яшаб ижод қилган хо-
рижликларнинг ижодий ишлари-
дир. Экспозиция учун 150 дан ортиқ фо-
тосуратлар танланган. Улар экология,
спорт, тиббиёт каби соҳаларга йўнал-
тирилган. Анжуманда аъзола-
рига бораётган ушбу тадбирни ҳар
йили нишонлашга келишиб олинди.

Кўргазма 15 декабрда қадар давом
этади.

"Туркистон-пресс"

рубрика

Харакатдаги хавфсизлик

Ўтган 10 ой ичида вилотимиз
хуудидида йўлларда ҳаракат хавф-
сизлигини таъминлаш, йўл-транспорт
ҳодисаларининг олдини олиш бо-
расида бир қанча тадбирлар амалга
оширилди. Жумладан, «Антитер-
рор», «Спитамен», «Тозалаш», «Так-
си», «Дикқат, пиёда!», «Дикқат, те-
мир йўл кесилишаси!», «Харакат
хавфсизлиги ўн қўнлиги», «Харакат
хавфсизлиги ойлиги» ўтказилди.

Тадбирлар давомида ИХХБ хо-
димлари иштирокида жами 334 та
турли қонунбузарликлар фоти этил-
тирилган. Анжуманда аъзола-
рига бораётган ушбу тадбирни ҳар
йили нишонлашга келишиб олинди.
Кўргазма 15 декабрда қадар давом
этади.

Тафаккур бўстони

Аҳмад ЮГНАКИЙ

Адиб Аҳмад Югнакий томонидан ижод қилинган «Хиба-ул-ҳақойиқ»
(«Ҳақиқатлар соғваси») ўзбек адабиётининг қадимги мумтоз намуналаридан-
дир. Ушбу бобомизнинг бу бебаҳо асари доно ўғитларга, ҳақиқатларга гойта
бай. Уларда адиб ўз халқини маданиятли ҳаётга, илм-маърифатга даъват
этади. Кишиларни аҳиликка, муроа қилиб яшашга, мол-дунёга хирс қўйма-
ликка, инсонларарликка чорлайди.

Қўйида сиз Аҳмад Югнакийнинг «Хиба-ул-ҳақойиқ» асаридан олинган
айрим доно ҳикматларни ўқийсиз.

- Илмсиз илксиз сўнган ичи бўшдир, илксиз сўнганга кўл урилмайди.
- Билимни киши керакли сўзни сўзлайди, кераксиз сўзни қўйиб яширади.
- Ўйлаб сўзлаган кишининг сўзи тўғридир, ўринсиз кўп вайсаган тил шафқатсиз ёвдир.
- Бир кишида икки нарсас бўлса, у кишига муруват йўли ёпилади: Биринчидан, беҳуда сўзлар билан вайсаса; иккинчидан, бу кишининг сўзлари елгон бўлса.
- Сиринг (розинг) ўзингда сақла-
ниб турмагач, у дўстингда ҳам сақ-
ланмайди, бунга яхши ўйлаб кўр.
- Бу дунё бойлигидан егулик,

воб бермайдиган халқ истеъмол
молларини вилот хуудига ноқо-
нуний равишда қиритилишига
қарши МХХ, Бохжона, прокуратура
родалари ҳамда ДСИ ходимлари
билан ҳамкорликда қатор текши-
рув рейдлари ўтказиб келинмоқда.
Рейд ва текширувлар туфайли
ноқонуний равишда олиб келина-
ётган 335 ҳолатда умумий нархи
215 миллион 925 минг сўмлик то-
вар моддий бойликларни ушлаб
қолинди. Шундан 273 таси маъму-
рий тартибда қўриб чиқилди, 62
ҳолат бўйича жиноий иш
кўзгатилади. Масла-
лан, жорий йилнинг
9 сентябрь куни Нав-
бахор тумани хуудиди-
да ўтувчи 4Р48 ав-
томобил йўлининг 4-
кмда вилот ИХХБ
ИПХ ходимлари томо-
нидан Ёғдудов ту-
манида яшовчи Зух-
риддин Раҳмонов
бошқарувидаги «Нек-
сия» русумли 20
Р8656 давлат рақам-
ли автомашини тўхта-
тилиб текширилганда,

автомашина салонида умумий ба-
ҳоси 1 миллион 890 минг сўмлик
819 литр хорижда ишлаб чиқари-
лган акциз марказиз спирт тегушли
ҳужжатларсиз, ноқонуний равишда
олиб кетилаётганлиги аниқланган.
Ушбу ҳолат бўйича ЖКнинг 186-
моддаси 2-қисми билан жиноят
иши қўзғатилди.

Шермурод ЭҒАМОВ,
Навоий вилоти ИИБ йўл ҳара-
кати хавфсизлиги
бошқармаси бошлиғининг
уринбосари



хават беркитиб қўяди.
• Такаббурликни бошдан оши-
риб ташла, тавозега қаттиқ амал қил,
унга ўзингни яқинлаштир.
• Харис дунё моллини йиғиб
тўйма, харис одам хариса ҳам унинг
харислиги қаримас.

• Асли тоза кишининг қилиги
кўрқидир. Бу ёқимли хулқа қўнғил
моил бўлади.
• Ғазаб ўти тутаб, алангаланиб
ёна, мулойимлик билан шафқат,
марҳамат, ҳақиқат сувини сочиб,
уни ўчир. Балло келса севинча
ийиб сабр қил, қийинчиликни
ийинда сақлаб шодлик келиши-
ни кутиб тур.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 ноябрдаги "2007
йилда қишлоқ хўжалик қорхоналарини фермер хўжалиқларига айлантириш
чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҚҚ-514-сон қарорига асосан Ўзбекистон Ғуза
селекцияси ва уручилиги илмий текшириш институти Марказий таҳриба
хўжалиги фаолияти 2006 йилнинг 1 декабридан тўхтатилади.
Даъволар эълон қикқан кундан эътиборан бир ой муддат ичида қабул
қилинади.

Ўзбекистон
«Адолат» СДП
Сиёсий
Кенгашининг
ижтимоий-сиёсий
газетаси

Таҳрир хайъати

Дилором
ТОШМУХАМЕДОВА,
Иқбол МИРЗО,
Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Тургунпўлат ДАМИНОВ,
Равшан ХАЙДАРОВ,
Мамазоир
ХУЖАМБЕРДИЕВ,
Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,
Шермат ШАМСИЕВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир
уринбосари),
Талъат МУРАТОВ

Бош муҳаррир
Бахтиёр
АБДУСАТТОРОВ

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан
016 рақами билан
рўйхатга олинган

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.

Телефонлар:

Қабулхона — 133-40-86
136-53-14
Факс —
133-40-86
Котибият — 136-55-96
Сиёсат ва партия ҳаёти
бўлими — 136-55-64
Хатлар бўлими — 136-55-64
Маънавият, адабиёт ва
санъат бўлими — 136-54-39
Иқтисодий ва саноат
бўлими — 136-54-39
Маркетинг ва реклама
бўлими — 136-55-96

Навбатчи муҳаррир —
Беҳбуд БОТИРОВ
Навбатчи —
Носир ХАЙДАРОВ
Саҳифаловчи —
Латифжон ТУРСУНОВ

● «Адолат»дан кўчириб
босиш фақат таҳририят
рухсати билан амалга
оширилади.
t — Мазкур белги остида
тижорат мақоалари
чоп этилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон
кўчаси, 41-уй.

Газета таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Буюртма Ғ — 1300
Ҳажми — 2 босма табоқ,
Офсет усулида
босилган
Қозғоз бичими А-2.
Адади — 1270

Нашр индекси — 100
Ҳафтанинг жума
кунлари чиқади

Босишга топшириш вақти
— 2000
Босишга топширилди
— 23.40

Газетхон илҳомлари

Тенги йўқ жаннатмакон

Бўлса ҳамки, жонлар фидо, сенда хорлик кўрмагаймиз,
Бедаволар бўлса-бўлсин, биз ёмонлик қилмагаймиз.
Тоғу тошлар савлатида, неча ҳайрат шакли бор,
Оллоҳ берган бу маконни ҳеч кимга хор этмагаймиз.

Бунда ёрди ал Бухороий, темируйлар руҳлари,
Бизга ҳамдам бўлди доим пир Навоий сўз сари.
Чекди заҳмат қатағонда ақли доно алларинг,
Учмағай ҳеч вақт юракдан дилга пайвандир бари.

Ўтди Фитрат, Боту, Чўлпон, Қодирийлар оҳ чекиб,
Сийратининг чизди деҳқон қафти узра тер тўкиб,
Одамийлик зийнатини нақш этиб бу даҳр аро,
Бўлди машҳур эллар ичра таними Ўзбек гул экиб.

Тенги йўқ жаннатмаконим, сўзларимни тинглайди,
Тўтидек тупроғинг ҳам тенги йўқ ҳеч — шод бу дил.
Бағринг узра бир умра қолмоғим ҳақ, тил аро —
Тағрифингни мадҳига хос сўз келар не хилма-хил.

Улмас ҲАСАНБОВ

Ватан

Юрак тинни ватан этгани каби
Ватаним юрагинг бўлмоқ истайман.
Мардларинг қадрига етганинги каби
Мен ҳам бир керагинг бўлмоқ истайман.

Асрасанг мени ҳам кўксингда агар
Берайин өвжуддан қайноқ қонимни.
Сенда бас қолмаса армондан асар,
Майлига, сен учун берай жонимни...

Меҳр

Айтган эди кимдир меҳрибон бўлиб:
"Онандан айрилиб қолдингми, болам?"
Йиғладим, ўшанда юрагим тўлиб,
Зимистон туюлди бу ёруғ олам...

Фақат бир зиёдан ёришда қалбим,
Қучоғига олди мени бир чаман,
Нақ онам меҳридай меҳрни тўйдим,
Бошимни силади, шу азиз Ватан!

Шаҳридин УМИРОВ

Антонио Амурри
(Италия)

Статистика

Ҳажвий ҳикоя

Статистика — бу шу қадар аниқ
фанки, мисол учун, Илгирмата бир
қўлли ва ун нафар тўрт мучаси сопа-
па-соғ одамни олади-да, уларнинг
хар бирига ўртача бир ярымтадан
кўл тўғри келади, деб ҳулоса бера-
ди. Менимча, бу адолатдан эмас,
ахир, икки қўлиям буз-бутун одам
бир қўлининг ярмини бошқа би-
ровга беришга қўнармикан. қола-
верса, яримта қўлли бир қўлли одам
каерига мослаштириб олади. Хул-
лас, бундай аниқ ҳисоб-китоб ин-
сон аъзоларини аксизларча исроф
қилишдан бошқа нарсас эмас.

Хозирча менинг икки қўлим ҳам
бут, бироқ тан олиб айтманки, на-
вбатдаги статистика маълумотлари-
ни ўқиб (дарвоқе, газеталаримиз
уларни эълон қилишга ружу қўйиш-
ган), ўзим ҳақимда шунақанги гала-
ти, шанақанги тузуриқсиз тафсилот-
ларни билдимки, ғазабим қайнаб,
шаҳсимга тил теккизгани учун стати-
стика бюросини жавобгарликка тор-
тмоқчи бўлдим. Мана, ўзингиз уйланг,
бюронинг берган фактларига қара-
ганда, гўе менинг, яъни ўртақол ита-
лияликнинг бўйи бир метру эллик
тўққиз сантиметр бўлиб, фалон йил-
гача яна озроқ қизишиши — бир метру
олтмиш икки сантиметрга етиши
мумкин эмас. Лоф деганим бун-
дан баттар бўлмаса керак. Ахир, ме-
нинг бўйим ролпа-росса бир метру
саксон саккиз сантиметр, марҳамат,
келиб гувоҳлар кўз олдида ўлчаб
қўришини. Бу ҳали ҳола. Ушар рас-

мий маълумотларда айтилишича, ме-
нинг сочим ўртача қизғиш қора тусга
моил эмас. Ваҳоланки, мен гарчи
жудаям келишган йиғит бўлмасам-
да, дўстларим менга сочининг май-
ин ок-сарик тусдаллиги билан гурур-
лансанг арийдим, дейишади.
Келинг, статистика маълумотла-
рининг давомига қарайлик. Статис-
тика таъкидлайдики, менинг ёшим
ҳозир қиркда. демак мен 2,1 дан
ортиқ фарзандга ота бўлишга ҳаққим
йўқ! Бундан келиб чиқадики, қизим
Робертонинг тўқсон фоизи ва ўғлим
Лорензонинг юз фоизи бошқа эр-
какнинг ҳиссасига тўғри келаркан-
да. Статистика менинг ҳуфти ҳало-
лим шаънига доғ тушурмайптими-
кан? Нима бўлганда-ям, мен тушун-
май қолдим: уз болангни пайдо қила-
ётганимда қандай қилиб ўзинг
тўқсон фоиз иштирок этиб, қолган
ўн фоизини рақиб томонга қолди-
ришинг мумкин. Тагин газетда ме-
нинг турмуш тарзимга доир бир
қанча асоссиз далиллар ҳам келти-
рилган. Статистикларнинг кўрсатиши-
га қараганда, мен бир кунда 1,05
литр вино ичарканман ва 120,3, яъни
бир пачка-ю тагин яримта — чекиб
ташлаб юборилган қолдиқ сигарет
чекарканман. Бунга статистика бю-
роси директорининг виждонига
ҳавола қилдим, бироқ ўзимга кел-
сак, рости мен ҳеч қачон вино ич-
маганман, чекишни ташлаганимга-
ям, мана, ролпа-росса қирқ йил
бўлди. Энди, менинг уйимда 3/4

музлаткич, 0,1 кир ювиш машинаси
ва 0,32 чанпопчик борлиги ҳақидаги
лофга нима дейсиз? Биз шу қадар
қашшоқимизми? Ахир, 0,1 кир ювиш
машинасида нимани ювиш мумкин?
Фақат дастурмолимми?

Ёки мана бу маълумотларни
олинг: менинг 2,1 болаимнинг мак-
табни битиришгандан сўнг қўйида-
гича бўлақларга бўлиниб кетишар-
миш: 1,9 болам ўқини давом эти-
лади, 0,2 си эса иш қидиради. Ол-
А! Болаларнинг бундай бўлиниб кет-
ганини тасаввур қилганимда ичим эзи-
либ кетади. Менинг 1,9 болам ўқини
давом эттириши ҳақидаги маълу-
мотни ўқиб, эрталаб Валентина гим-
назияга бут-бутун кетаётганини,
Франко эса икки ойини уйда қол-
диришга мажбур эканини кўз ол-
димга келтиришга уринаман.

Статистика бюросининг энг қўпол,
билиб туриб виждонсизларча ёзган
бухтончи яна шук, гўе менинг иҳти-
римда 0,37 уй хизматкорлари бор
эмис. Мен, очиги, ўша 0,37 хизмат-
корим бўлишини жуда-жуда истар-
дим. Чунки улар уйимда қозон-то-
воқнинг 0,37 сини юварди, 0,37 овқ-
ат тайёрлар ва унинг 0,37 сини су-
пириб-сидирарди ва оқибатда мен
ҳам хотинимдан ҳар кун ишитади-
ган дашонмлар 0,37 га камаярдим.
Мадомки, менга бу 0,37 тегishi
экан, бас, статистика бюроси уни
менга толиб берсин, бунга мен қонун
йўли билан талаб қиламан!

А.ОТАБОВ таржимаси